



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 17-iyul, payshanba, 28 (556)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

Ўзбекистон ғаллакорларига

Кадрли дўстлар!
Она Ўзбекистонимизнинг равнақиға улкан хисса қўшадиган, ҳар қайси оиланинг, эл-юртимизнинг ризқ-рўзини, дастурхонини тўкин қиладиган, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, миришкор деҳқонларимиз фидоқорона меҳнатининг натижаси бўлмиш ғалла хирмонининг йилдан-йилга ошиб бораётгани барчамизни қувонтиради ва гурур-ифтихор бағишлайди, десам, сиз, азизларнинг, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бугун деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнатқилларининг пешона тери, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнати эвазига қўлга киритилган ғалаба билан — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этганингиз билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш — мен учун катта бахт.

Мана шу қувончли айёмда бу мисли қўрилмаган ютқунинг моҳияти ва кадр-қимматини ҳар томонлама чуқур англаш учун бир вақтлар, яъни эндигина мустақилликка эришган биринчи кунларда давлатимиз омборларида халқимизни боқиб учун фақатгина бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун қолганини, айтиш мумкинки, юртимиз очарчилик остонасида, жар ёқасида турганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, биз қандай таҳликали ва хатарли замонни бошимиздан кечирганимиз ва бугунги кўлга киритган, ҳақиқатан ҳам буюк марраларнинг баҳоси ва аҳамияти яққол аён бўлади.

2 >>

Парламент эшитув

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқ таълими вазирининг мактабга таълим тизимини янада ривожлантиришга доир ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти тингланди

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида халқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мувофиқ билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камолга етиши, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариши, улар

қалбида юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Таълим-тарбия соҳасида узоқни кўзлаб олиб борилаётган бундай ислохотлар замирида мактабга таълимнинг аҳамияти катта.

2 >>

Таҳлиллар нимадан дарак бермоқда?

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги, олдимидаги вазифаларнинг нечоғли тўғри белгиланганлиги ўтган 6 ой мобайнида БПТлар сони 1343 тага, партия аъзолари сони эса 52439 нафарга ортганида яққол намоён бўлмоқда

Жорий йилнинг биринчи ярмида О'зЛиДеР бошланғич ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Бундай юқори эътиборнинг боиси эса маслақдошларимизга яхши маълум — БПТ партиянинг таянч нуқтаси.

Шуниси диққатга сазоворки, кўйи бугунларнинг ташилки, мафкуравий ва сиёсий нуқтаи назардан мукамаллигига эришиш учун партия юқори органлари томонидан ўтказилган икки босқичли акция ҳар жиҳатдан ижобий нати-

5 >>



Улкан зафар муборак!

Мамлакатимиз ғаллакорлари 8 миллион 50 минг тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этдилар. Бу улкан хирмон Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига муносиб тўёна бўлди

Азал-азалдан эл фаровонлиги, оилалар кут-баракаси бугуннинг, нонинг сероблиги билан белгиланади. Дон мўллиги кўзининг, кўнглининг тўқлигидир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар самарасида мамлакатимиз ғалла экспорт қиладиган давлатлар

қаторига кирди. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари жорий этилгани, ерга ишлов бериш ривожлангани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, деҳқонларнинг

дунёқараши, меҳнатга муносабати ўзгаргани туфайли ғалла етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

2 >>

Сиёсий имтиҳон арафасида

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва унинг парламентдаги фракцияси томонидан Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият органларига бўлиб ўтадиган сайловларда сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига тенг шaroитларни яратиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди

Тадбир иштирокчилари қайд этишганидек, сайловлар ва кўппартиявийлик тизими демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас қисмидир. Зеро, айнан шу тизим сай-

ловчиларга жамиятни ривожлантириш дастури ва стратегиясини танлаш ҳуқуқини беради. Ҳар ва дастурлар рақобати эса кўппартиявийликнинг асл моҳиятини ташкил этиб, фикрлар хил-

ма-хиллиги, шу билан бирга, бирдамлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлиқни таъминлаш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

3 >>

Кўмита қарор ижросини кўриб чикди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси йиғилишида «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги парламент қарорининг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган вазифалар Жиззах ҳамда Наманган вилоятларида қандай бажарилаётгани юзасидан мазкур вилоятлар ҳокимликларининг ахбороти эшитилди.

3 >>

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш йўлида

О'зЛиДеР фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди

Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалар босқичма-босқич ва изчил ривожлантириб борилганлиги натижасида умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилиги асосланган мустаҳкам ҳуқуқий-меъриий негиз яратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида кўзда тутилган ғоя ва

қондаларни ҳаётга татбиқ этиш, 2012 йилда қабул қилинган «Сайлов эркинлиги янада таъминлашни ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш, айниқса, охири сайловда тўпланган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

2 >>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида Ахборот

2014 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари чиқарилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2014 йил учун иқтисодий дастурнинг йўналишлари ва муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, энг аввало, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган дастурлари амалга оширилишини жадаллаштириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобига иқтисодиётни диверсификациялаш ва рақобатбардорлигини ошириш стратегиясини белгилаш, шунингдек, аҳолининг фаровонлигини, ҳаёти даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги кучайиб бораётган таҳдидлар ва қарама-қаршиликларга қарамай, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш, ўсишнинг мавжуд манбаларини сафарбар қилиш туфайли Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлиқни ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши — 8,1 фоизни, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши — 17,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан кўпайтириш ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,7 фоизга ва пуллик хизматлар ҳажми — 9,7 фоизга ўсишини таъминлади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотига хизматлар соҳасининг улуши 2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича 52,4 фоиз ўрнига 52,7 фоизгача ўсди.

3 >>

БУГУНГИ СОНДА:

Лизинг имкониятлари

3

Дастур ижроси — депутатлар назоратида

4

«О'зЛиДеР Ғоялари орзу-интилишларимизга ҳамоҳанг»

5

Олмонларга — олтин, Кумуш диёрга — кумуш

8

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида А х б о р о т

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Экспорт қилувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг 8 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салъосини таъминлаш имконини берди.

Республиканинг аграр сектори тадбирчи ўсиш суръатлари билан ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси учун шинам яшаш шарт-шароитлари яратиш чора-тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари 6,9 фоизга ўсиши таъминланди. Доннинг 8 миллион тоннадан ортиқ рекорд ҳажми етиштирилди ва йғиштириб олинди. Уй-жойлар қуриладиган янги қишлоқ массивларида 2014 йилга мўлжалланган 11000 та намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уйларнинг 4486 таси фойдаланишга топширилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг ҳар йилги дастурини тизимли амалга ошириш туфайли жорий йил бошидан бошлаб 506,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Улардан 303,2 мингтадан ортиғи ёки 59,9 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури амалга ошириш доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, таълим сифатини оширишни, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишга кенг жалб этишни таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳўкимият органлари раҳбарлари олдида 2014 йил учун белгиланган барча асосий макроиктисодий кўрсаткичларга ҳамда республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг қабул қилинган комплекс дастурлари прогноз параметрларига эришишни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Мажлис кун тартибидеги масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Ҳўкумати мажлисида белгилаб берилган топшириқлар ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган зарар кўриб ишлатган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни амалга оширишнинг натижадорлиги ва самарадорлигини батафсил таҳлил қилишга асосий эътибор берилди.

144 та зарар кўриб ишлатган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган «йўл хариталари»ни фаол амалга ошириш туфайли 109 та корхона зарар кўриб ишладан ва молиявий нобарқарорликдан чиқариш таъминланганлиги қайд этилди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарда умумий сўммаси 3,1 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, шу жумладан, қарийб 118 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспортга сотилди. Йирик санат корхоналарида 1330 бирлик эскирган асбоб-ускуна янгиланди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 8,9 фоизга сайитиришга эришилди.

Муҳокама жараёнида бир қанча компаниялар, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳўкимликлари раҳбарлари олдидаги айрим зарар кўриб ишлатган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган тадбирлар зарур даражада ташкил этилиши ҳамда ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан назорат қилишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари ҳолатини янада яхшилаш, уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қардорлигини тубдан қисқартиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда санат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланишнинг қабул қилинган дастурлари доирасида 2014 йилга мўлжалланган муҳим ишга тушириш объектиларини фойдаланишга топширишни таъминлаш ишларининг ҳолати ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Муҳим юқори технологик ва замонавий объектилар ва қувватларни ишга туширишни тезлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати ва кўрилатган

чора-тадбирлар ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмлари 10,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 28,8 фоизга ўсишига кўмаклашганлиги қайд этилди. Жорий йил бошидан бошлаб 2014 йил учун Инвестиция дастурига киритилган умумий қиймати 680 миллион доллар бўлган 64 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди. 1651 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳўкимият органларининг эътибори янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштиришни таъминлайдиган амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди. Шунингдек, навбатдаги йилга Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш, уни республика ҳудудларини, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ривожлантириш комплекс дастурлар билан ўзаро боғлашни таъминлаш юзасидан асосий масалалар ва ташкилий чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишни танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил апрель ойида қабул қилинган ҳўжатларига мувофиқ 22 та рухсат берувчи тартиб-бўйича бекор қилинганлиги, 21 та рухсат берувчи тартиб-бўйича расмийлаштириш муддатлари 2,1 баравар, шунингдек, фаолиятнинг 11 тури бўйича лицензиялар ишга олиниши рухсат берувчи ҳўжатларни расмийлаштиришда йғимлар миқдори ўртача 4 баравар қисқартирилганлиги қайд этилди. Ҳўжатларни тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортиқча талаблар бекор қилиниши ҳисобига 31 та рухсат берувчи тартиб-бўйича расмийлаштириш тартиб-қоидаси соддалаштирилди. Жорий йилнинг охирига қадар давлат хизматларининг энг кўп талаб қилинган 23 та турини интернет тармоғи орқали интерактив шаклга ўтказиш назарда тутилди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кичик бизнес субъектиларига умумий сўммаси 25,5 миллиард сўмлик 86 та давлат активлари сотилди, давлат мулкнинг 19,4 мингта фойдаланилмаётган объектилари ижарага берилди. Банклар томонидан уларга 4,8 триллион сўм миқдорига ёки 2013 йилнинг биринчи ярим йилидаги қараганда 1,3 баравар кўп кредитлар берилди. Ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўсишига ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигига, аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг иш билан бандлиги ва моддий фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этишга тадбиркорликнинг улушини жиддий равишда оширишни таъминлади. Қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес улушининг санатда — 27 дан 28,4 фоизга, бандликда — 75,8 дан 76,4 фоизгача ўсишини таъминлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектурилиш» қўмитаси, «Ўзгеодезадастр» давлат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 2 июлдаги «Давлат мулки объектиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектиларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектиларини давлат мулки объектиларининг бўшаб қолган ер участкалари базасида ташкил этиладиган кичик санат зоналарида жойлаштиришни жадаллаштириш, уларда янги иш ўринлари яратиш бўйича инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси объектиларини ташкил этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Кун тартибидеги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳўкимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳўкумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзаси таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

Сиёсий имтиҳон арафасида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва жамиятни демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар давомида кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш, сиёсий партияларнинг давлат қурилишидаги роли ва аҳамиятини оширишга устувор аҳамият берилмоқда. Айни пайтда ушбу жараённинг ҳуқуқий асослари ҳам эволюцион тарзда такомиллаштирилиб борилаётган. Сайловларда партияларнинг фаол иштирокчини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳам босқичма-босқич ривожлантирилди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг қабул қилиниши кўппартиявийлик тизимини янада тараққий эттириш, партияларнинг парламентдаги фракциялари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, вакиллик ва ижро этувчи ҳўкимият органлари устидан депутатлик назоратини ўрнатилган ролини оширишга кучли туртки бериши, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фулом Омонкулов. — Мазкур Концепция талабларидан келиб чиққан ҳолда Конституцияга Олий Мажлис

Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партиянинг Бош вазир номзоди бўйича таклифлар бериш ҳуқуқи, Бош вазирга ишончсизлик вотуми институтини жорий этишни назарда тутувчи тўзатишлар киритилди. Парламентга ҳўкумат раҳбарларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир долзарб масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи ҳамда қатор бошқа принципиал янгиликлар ҳам унда ўз аксини топган.

Давра суҳбатига эътироф этилганидек, сайловли тарғибот шакллари ва усулларини аниқ белгилаш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайлов кампанияси давомида тенг имкониятларни яратиш механизми самарадорлигини оширишга қаратилган қонунчиликка ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди. Сайловлар жараёнида ошқоралиқ таъминлашнинг ҳуқуқий механизми тақомиллаштирилди. Ҳўкимият бўғинлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тамойили янада мустаҳкамлангани муҳим аҳамият касб этмоқда.

О'зЛиДеР фаолларининг фикрича, мамлакатимиз Конституциясида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларга катта имкониятлар яратиши баробарида улар зиммасига ислохотлар муваффақия-



Солмак ЗОИР олган сурат

ти, стратегик мақсад — Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аҳоли фаровонлигини оширишга эришишда катта масъулият юқлади. Демак, бугунги кунда ҳар бир партия сайловчиларга жамият олдида турган муаммоларни ҳал этиш бўйича ўзининг аниқ ҳаракат дастурини тақдим қилиши, депутатлик корпусидаги вакиллари орқали ҳўкимият тузилмаларини шакллантиришда фаол иштирок этиши лозим. Сайловчилар ишончини қозонган сиёсий партиягина парламентдаги ўринларни мўлжаллаши мумкин. Бу ўринда, авваламбор, ўзининг дав-

лат ва жамият қурилиши, мамлакатда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга доир асосий масалалар юзасидан аниқ позицияси ҳамда ушбу партияга сайловларда овоз бераётганлар манфаатини қатъий ҳимоя қила олиши билан обрў-эътибор қозонадиган сиёсий куч ҳақида сўз бормоқда.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, амалдаги қонунчилик ва Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тад-

бирлар дастури талабларига қатъий риоя этилиши бўлажақ сайловларнинг очик-ошқора, миллий ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ ҳолда ўтишини таъминлайди. Энг муҳими, бундай интилишлар сайловлар давлатимизда амалга оширилаётган барча тўб ўзгариш ва янгиликларни — қатъий белгилаб қўйилган қонуний жараён эканлигини намоён этади.

Давра суҳбати давомида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда кун тартибидеги масала юзасидан партиянинг барча бўғинлари фаолиятини жонлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лизинг имкониятлари

«Ўзқишлоқҳўжаликмашилизинг» компанияси жорий йилнинг 6 ойида 100,5 млрд. сўмлик техника воситаларини етказиб берди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ушбу дастур ижросини таъминлаш аҳолининг реал даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади. Шунингдек, меҳнат бозорига мутаносибликка эришиш, минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд салоҳиятдан, биринчи галда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратилди.

Муҳокама иштирокчилари томонидан Наманган ҳамда Жиззах вилоятларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш, тўхтаб қолган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш каби масалалар қизгин муҳокама қилинди. Хусусан, Жиззах вилоятида «2013-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури»га мувофиқ ушбу давр орасида лойиҳа қиймати 143 млрд. сўм бўлган 3185 та хизмат кўрсатиш соҳобаси ташкил этилиши ва жойларда 13500 та иш ўрни яратилишига эътибор қаратилди.

Бирок дастур параметрларининг ижроси ўрганилганда, янги корхоналарни ишга тушириш, кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривож-

лантириш ҳисобига иш ўринлари яратиш борасидаги масалалар талаб даражасида эмаслиги аниқланган. Жумладан, дастур ижроси жорий йилнинг январь-февраль ойларида Янгиобод туманида 75,8, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш Арнасой туманида 70, қасанчилик йўналиши Зафаробод туманида 75,5, Дўстлик туманида 63, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани кенгайтириш режаси Форшида 70,6 фоизга бажарилган. Бу борада Пахтакор туманида ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги алоҳида қайд этилди.

Ютук бор жойда камчилик бўлганидек, йғиғиликда Косонсой ва Янги-кўргон туманларида ушбу дастур ижроси билан боғлиқ талай муаммолар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Бу эса режалаштирилган лойиҳаларнинг ижроси юзасидан айрим ваколатли органларнинг ўз вазифаларини бажаришда сусткашликка йўл қўяётганидан далолатдир.

Депутатларнинг фикрича, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳўжатларига мувофиқ ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, кичик бизнес вакиллари-нинг кредитлар ва моддий-хом ашё захираларидан фойдаланишнинг кенгайтириш орқали мавжуд нуқсонларни бартараф этиш аниқ мудоаодир. Шу ўринда бандлик дастури ҳудудларда тўлиқ ва бекума-қўст ижро қилиниши кўп жиҳатдан Қонунчилик палатаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг қатъияти ва фаолиятига боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида аҳоли бандлигини таъминлашга оид ишлар юзасидан сўз борар экан, жорий йилнинг январь-март ойларида 1,4 мингта ҳўжалик юртувчи субъектлар томонидан 17,8 мингта янги иш жойи яратилгани таъкидланди. Шундан 14,8 мингтаси қишлоқ жойларида ташкил этилиб, янги объектиларни ишга тушириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва қасанчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ютук бор жойда камчилик бўлганидек, йғиғиликда Косонсой ва Янги-кўргон туманларида ушбу дастур ижроси билан боғлиқ талай муаммолар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Бу эса режалаштирилган лойиҳаларнинг ижроси юзасидан айрим ваколатли органларнинг ўз вазифаларини бажаришда сусткашликка йўл қўяётганидан далолатдир.

Депутатларнинг фикрича, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳўжатларига мувофиқ ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, кичик бизнес вакиллари-нинг кредитлар ва моддий-хом ашё захираларидан фойдаланишнинг кенгайтириш орқали мавжуд нуқсонларни бартараф этиш аниқ мудоаодир. Шу ўринда бандлик дастури ҳудудларда тўлиқ ва бекума-қўст ижро қилиниши кўп жиҳатдан Қонунчилик палатаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг қатъияти ва фаолиятига боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Фермер ҳўжалиқларини замонавий қишлоқ ҳўжалик техникалари билан таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида тилга олинган ушбу рақам иштирокчиларнинг диққат-эътиборини тортди.

Ҳўш, мамлакатимиздаги фермер ҳўжалиқлари, шунингдек, «Ўздонмаҳсулот» компанияси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Қишлоқҳўжаликкимё» ОАЖ тизимидеги корхоналарга лизинг хизматлари кўрсатаётган компания учун бу озиқ-овқат?

Тадбирда таъкидланишича, компания ўз фаолиятини бошлаганидан буён ўтган вақт мобайнида лизинг асосида 37 мингдан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига жами 1 трлн. 108,8 млрд. сўмдан ортиқ қийматдаги 50 мингтага яқин қишлоқ ҳўжалиги техникаси етказиб берган. Хизматлар бўйича лизинг портфели қолдиғи 2014 йил 1 январь ҳолатига 454 млрд. сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83 млрд. сўм ёки 43,1 фоизга кўпайган.

Қиймат бўйича таҳлил қилинганда мазкур компания томонидан 2012 йилда 167,7 млрд., 2013 йилда эса 276,2 млрд. сўмлик техника воситалари етказиб берилди. 2014 йилнинг ўтган 6 ойида эса бу кўрсаткич 100,5 млрд. сўмни ташкил этди. Демак, ана шу ярим йиллик натижанинг ўзидек ўтган йилга нисбатан деярли тўрт баробар кўп хизмат кўрсатилганидан далолат бермоқда.

— Жорий йилда 4 мингдан ортиқ фермер ҳўжалигига 40 турдаги 4 минг 500 тадан ортиқ қишлоқ ҳўжалик техникасини лизинг асосида етказиб бериш бўйича иш олиб борилаётганда, — деди компания бошқаруви раиси Нодир Отажонов. — Қишлоқ ҳўжалигининг турли йўналишдаги хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, фермерларга чопиқ ва транспорт ишларини амалга ошириш учун 4 хил, ҳайдов ишларини бажариш учун 5 хил трактор, 2 хил гаула ўриш комбайни, пахта териш машиналари, кимёвий ишлов бериш воситалари етказиб берилмоқда. Шунингдек, чорвачилик соҳаси бўйича маккажўҳори ва дағал хашакни ўриш, майдалаш ва ташвиш учун махсус техникалар келтиряпмиз.

Лизингга берилган қишлоқ ҳўжалик техникаларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши таҳлилига кўра, уларни Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари энг кўп миқдорда сотиб олмақда. Бундан ташқари, миқдорларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш, бизнес-режа тузиш каби бир қанча консалтинг хизматлари ҳам кўрсатиб келиняпти.

Анжуманда таъкидланишича, компания томонидан қишлоқ ҳўжалигига 2014 йилда ўтган йилдагига нисбатан камидан 10 фоизга кўп ҳажмда лизинг хизматлари кўрсатилиши режалаштирилган бўлиб, бунда асосий эътибор талаб катта бўлган ҳайдов тракторлари, макка ва хашак ўриш комбайнлари, пахта териш машиналарини лизинг орқали етказиб беришга қаратилмоқда.

Рисолат МАДИЕВА.

ҲИЖМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИЖМАТДҲР ДУНЁ!

«Айрим китоблар, агар уларни бунчалик тушунарли қилишга уринмаганлариде эди, жуда тушунарли бўлур эди».

Эммануил КАНТ.

Худудий кенгашларда

Яхши кўрсаткич хотиржамликка асос эмас

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгашида «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» партиявий лойиҳасининг вилоят босқичи якунига бағишланган семинар бўлиб ўтди

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI asr»

Унда аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш орқали оилалар иқтисодий имкониятларини яхшилаш партиянинг устувор мақсадларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар туфайли худудда тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бораётганига эътибор қаратилди.

Тадбирда O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Меҳрибон Йўлдошева «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, хотин-қизларни кичик бизнес, хунармандчилик, касаначиликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мавзусида маъруза қилди.

— Бугунги ислохотлар жараёнида партиянинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ролини кучайтириш долзарб аҳамият касб этаётгани-

ни ҳисобга олган ҳолда иш юритишимиз лозим, — деди у ўз сўзида. — Ўтган олти ойда хотин-қизларни фойдали меҳнатга, оилавий бизнесга жалб этиш билан боғлиқ бир қатор тадбирлар ўтказдик. Уларда иштирок этган 600 дан ортиқ опа-синглимиз ўз билим ва малакасини ошириш имкониятига эга бўлди. Бироқ бу белгиланган вазифалар тўла-тўқис бажарилди, дегани эмас. Жумладан, жойларда депутатлик гуруҳи аъзолари ва партия электорати томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга етарлича эътибор берилмаётган, дея олмаймиз. Бинобарин, бу камчиликни бартараф этиб, депутатлик гуруҳлари ва кўйи бўғинларимиз фаоллигини янада ошириш олдимида турган энг муҳим масалалардан биридир.

— «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси доирасида ўтган йили вилоят босқичига тақдим этилган 11 та бизнес-режа учун жами 145 млн. сўм маблағ ажратилган бўлса, жо-

рий йилда голибликни кўлга киритган 12 нафар иштирокчимизга тижорат банклари томонидан 300 млн. сўмдан ортиқ кредит берилди, — дейди вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Рашида Машарипова. — Лекин бу кўрсаткич хотиржамликка асос бўлмайди. Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизлар фаолиятда учраётган муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ижобий ечимини топиш учун бор имкониятларимизни ишга солимоғимиз лозим.

Танқид ва таҳлиллар асосида ўтган йилда бир қатор амалий тақриф-тавсиялар билдирилиб, партия бўғинларининг тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар якунида вилоятдаги тижорат банклари томонидан 12 нафар тадбиркорга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Тўрт юздан 60 нафари сараланди

Муҳаббат Нусратова Яққабоб туманининг Хўжайлгор маҳалласида истиқомат қилади. Мана, беш йилдирки, аҳолига турли хизматлар тақдим этиб, ўнга яқин қизни иш билан таъминлаб келаяпти. Фаолиятини оилавий тадбиркорликдан бошлаган аёл эндиликка 100 млн. сўмлик бизнес-режа асосида маҳалла гузариди иккита янги цех очмоқчи.

— Тикувчилик, зардўзлик, гўзаллик саломи, компьютер хизматлари, қандолатчиликни йўлга қўйиш учун лойиҳа тайёрлагандим — дейди Муҳаббат.

O'zLiDeP томонидан ўтказилаётган «Мулкдор оила» лойиҳасида қатнашиб, бизнес-режага ўзгартиш киритдим. Биз каби тадбиркорларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини оширишга мазкур лойиҳанинг аҳамияти катта. Машғулотда қатнашган 30 дан ортиқ йилгич худди мен каби билим ва тажрибасини оширишга аминман.

Мазкур лойиҳа иштирокчиси Гулноза Ёдгорова «Ўқув маркази» очиб, қизларга зардўзлик сирларини ўргатмоқчи. Шаҳрисабзлик Шаҳзода Жавлєва эса хориждан қандолат маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган замонавий ускуналар келтириш учун молиявий кўмак олиш ниятида.

— 2013 йили туман ва шаҳар босқичларида 300 та яқин хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари орасидан 50 та бизнес-режа муаллифи саралаб олинди, вилоят босқичига тавсия этилган эди, — дейди O'zLiDeP Қашқадарь вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Азиз Пирназаров. — Лойиҳа якунида тижорат банклари томонидан уларнинг қиймати 433 млн. 900 минг сўмга тенг бўлган бизнес-режалари молиялаштирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур лойиҳанинг 12 та туман ва шаҳар босқичи маҳсулотларида 400 нафарга яқин бўлажак тадбиркор соҳага оид билим ва кўникмасини оширди. Улар орасидан 60 нафарга яқини энг яхши лойиҳа муаллифи сифатида вилоят босқичига йўлланма олди.

Тўйга тўёна

Тўққиз йил аввал 20 нафар ходим билан 5 турдаги эркаклар кийимларини ишлаб чиқара бошлаган Наманган шаҳридаги «Люкс плюс сервис» маъсуляти чекланган жамиятида айни пайтда 114 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Эътиборлики, ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажмини 2, 94 миллиард сўмга етказган корхона жамоаси 85,4 минг долларлик маҳсулотини экспорт қилди.

— Яқинда яна битта цех биносини қуриб битказдик, — дейди МЧЖ раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Аюбхон Бобомирзаев. — Ҳозир чет элдан янги тикув дастоҳларини олиб келиш ҳаракатидамиз. Бу цех мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёнаси арафасида ишга туширилади.

А.Бобомирзаевнинг таъкидлашича, кўшимча қувватлар ишга туширилгач, корхонада яна 100 кишининг бандлигини таъминлаш имконияти пайдо бўлади. Ўз навбатида, тадбиркор жорий йилда 100 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштираётганини айтиб ўтди лозим.

Аҳроржон МУСУРМОҢОВ.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Бошлиқ»даги «News smil»

Юртимизда турмуш маданияти ошиб, сервис хизмати яхшиланаётганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, десак асло ҳаҳо қилмаймиз. Зеро бугун барча соҳада мустақил иш юритиш, кўзланган мақсадларни рўйга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилган. Кўллаб-қўлланганимиз бундан фойдаланиб, хайрли амалларга қўл уришаётгани қувонарлидир. Узоққа бормайлик. Жорий йил бошида маҳалламиз худудда «News smil» хусусий стоматология клиникаси ташкил этилган эди. Шифо маскани хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан таъминланган бўлиб, айни кунда бу ерда аҳолига сифатли хизмат кўрсатишмоқда. Даволаш хоналарида барча зарур шарт-шароит ва қўлайликлар мўҳайб.



Таъкидлаш жозики, янги клиника фаолиятини йўлга қўйишда «Микрокредитбанк» томонидан ажратилган 20 млн. сўм миқдоридagi кредит жуда қўл келди. Ўзаро молиявий ҳамкорлик ҳар икки томон учун манфаатли бўлмоқда. Клиника раҳбари Муҳиддин Бекимметовнинг айтишича, банк ёрдамида бир қатор янги бизнес-режаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Мақсад даволаш-профилактика ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш, маҳаллалонларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини янада оширишдан иборатдир.

К.МУҲАММАДЁРОВ,
Яққасарой туманидаги «Бошлиқ» МФЙ раиси.

Бепул тиббий кўрик

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Аёллар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан Чилонзор туманида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Аҳамиятлиси, ушбу кўриқда тумандаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «STAR MED», «DARMON-SERVIS», «DIAMED», «DOKTOR D» сингари хусусий клиникалар фаоллик кўрсатишди.

Зарнигор яна бешни кўзламоқда

Кўрғонтепа туманидаги ёш тадбиркор, O'zLiDeP аъзоси Зарнигор Халилова 2013 йилда партиянинг «Соғлом оилалардан — мустақкам оилага» лойиҳасида иштирок этиб, голибликни кўлга киритган эди. ТИФ Миллий банк туман филиалидан 30 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олган ишбилармон қиз тез фурсатда «Зарнигор Элегант» тикувчилик корхонасини очди. Ишчи тўрт нафар чевар билан бошлаган тадбиркор яқинда хусусий корхонадаги тикувчилик сонини 18 нафарга етказди.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди З.Халилова. — Эрта-индин сафимизга яна 5 нафар ёш чевар қўшилиди. Корхонамизга биринчи навбатда коллеж битирувчиларини ишга қабул қилиш режалаштирилган.

СўРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкларга қандай имтиёзлар берилган? М.Азизов, Сардоба тумани.»

— «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддаси ҳамда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар улар давлат рўйхатиндан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил давомида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон

Республикасига олиб кириладиган мол-мулк учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бож ундиришдан озод қилинади. Чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида яшаб турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан ҳам бож ундирилмаслиги белгиланган.

Дастур ижроси — депутатлар назоратида

O'zLiDeP Қизилтепа туман кенгашида бўлиб ўтган жамоатчилик эшитувида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофида муҳокама этилди

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулчехра Уроқованинг таъкидлашича, туманда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган 7 бўлим, 108 банддан иборат худудий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан жами 25 миллиард 10 миллион 655 минг сўм маблағ ўзлаштирилиши белгиланган.

— Ҳар бир режа ижросини таъминлаш юзасидан масъул комиссия ҳамда мониторинг гуруҳлари тузилган бўлиб, улар томонидан тумандаги кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, ҚВПлар, таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалий ишлар таҳлил қилиб боришмоқда, — дейди Г.Уроқова. — Жумладан, ёшларни никоҳга тайёрлаш, никоҳланувчиларнинг тиббий кўриги сифатини яхшилаш, касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш борасида амалга оширилган тарбиёт ишлари натижасида турмуш қурган 498 нафар келин-кувнинг тўлиқ ва сифатли тиббий кўриқдан ўтиши таъминланди. Жорий йил май ойида тумандаги 6 та касб-хунар кол-

лежида «Эрта никоҳнинг олдини олиш», «Тўйдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти» ҳамда «Элли қиз — сепли қиз» мавзусида ўтказилган кўрик-танловлар ҳам самарали тарбиёт воситаси сифатида хизмат қилди.

Ҳисобот даврида туман тиббиёт бирлашмасининг етти нафар ходими худуддаги 12 минг 423 та оилада бўлиб, «Соғлом она — соғлом бола» лойиҳаси доирасида соғлом оилани шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш борасида тушунтириш ишларини йўлга қўйди.

Жамоатчилик эшитуви давомида «Микрокредитбанк» ва «Агробанк» туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган имтиёзли кредитлар ажратиш масаласи юзасидан ушбу молия муассасалари мутасаддиларининг ахборотлари ҳам эшитилди. Уларда қайд этилганидек, жорий йилнинг ўтган даврида туманда фаолият кўрсатувчи тижорат банклари томонидан аёл тадбиркорларга 558 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар берилган. O'zLiDeP туман кенгаши ҳамда тижорат банклари, «Камолот» ЁИХ ва «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган «Мулкдор оила», «Диплом би-

лан — бизнесга», «Менинг бизнес гоям» сингари кўрик-танловлар хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш, уларда тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, аёллар бандлигини таъминлашга хизмат қилаётган бўлиб, «Соғлом бола» лойиҳаси доирасида соғлом оилани шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш борасида тушунтириш ишларини йўлга қўйди.

Ўз навбатида эшитувда иштирок этган депутатлар томонидан бола тарбияси билан машғул аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиш орқали оила фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиши учун имкон яратиш бўйича туманда муайян ишлар амалга оширилгани ҳақида фикр юритилиб, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамаб олиш, хунарманд аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташкилий равишда сотишни йўлга қўйиш, шунингдек, фермер аёллар сафини кенгайтиришда мавжуд имкониятлардан янада тўлақонли фойдаланиш чораларини кўриш юзасидан тегишли тавсия ва тақлифлар билдирилганини таъкидлаш лозим.

Миллий домендаги миллий сайтлар

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида ташкил этилган матбуот анжуманида «Миллий UZ домени-2014» интернет фестивали ўз ишнини бошлагани маълум қилинди. Тадбирда UZINFOCOM маркази ҳамда infoCOM.UZ» журнаги томонидан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловда «UZ» доменида рўйхатдан ўтган, фестиваль бўлаётган пайтда фаолият юритган сайтлар иштирок этиши мумкинлиги, ўз навбатида барча хоҳловчилар фестиваль расмий сайти — www.if.uz орқали ўзларига маълум сайтга овоз бериш имкониятига эгаллиги таъкидланди.

Аҳоли ўртасида интернетни янада оммавийлаштириш, мазкур тармоқда миллий контентни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида 2007 йилдан буён ўтказиб келинаётган фестивалнинг бу галги дастуридан «Энг яхши тематик сайт», «Фан ва таълим йўналишидаги энг яхши сайт», «ОАВнинг энг яхши сайти», «Давлат органларининг энг яхши сайти», «Туризм йўналишидаги энг яхши сайт», «Маданият йўналишидаги энг яхши сайт», «Спорт йўналишидаги энг яхши сайт», «Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт», шунингдек, «Энг яхши персонал саҳифа» каби номинациялар ўрин олган. «Йил сайти» номинацияси фақат янги ташкил этилган сайтлар ўртасида ўтказилди.

Таъкидлаш жозики, «Миллий UZ» домени 1995 йил 29 апрель куни ташкил этилган бўлиб, 2014 йил 15 июль ҳолатига кўра, «UZ» зонасида фаолият олиб бораётган доменлар сонини 18200 дан ошган.

Рисолат МАДИЕВА.

ЭЪЛОН

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки

миллий валютада бир йилгача муддатга ажратилдиган кредитлар бўйича ариза ва ҳужжатлар электрон тарзда қабул қилинишини билдиради. Электрон ариза ва ҳужжатларни **www.agrobank.uz** сайти, яъни интерактив хизматлар бўлимининг «Тадбиркорлик субъектлари учун on-line талабнома» дарчасида тўлдиришингиз ва киритишингиз мумкин.

Батафсил маълумот учун (+99871) 150-53-72 рақамига муурожаат қилишингиз мумкин.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

Хизматлар лицензияланган.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 17-iyul, payshanba, 28 (556)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru


Таҳлиллар нимадан дарак бермоқда?

Давоми. Бошлангиш 1-саҳифада

Бахтиёр АХМЕДОВ,
O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси БПТлар билан ишлаш сектори мудир
Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

бундай натижалар партия санохиятини намоён этиш баробарида масалаларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўлиб, янги марралар сари ундаши шубҳасиз. Иккинчи томондан, кенг қамровли акция давомида партиямизнинг хайрихоҳлари, тарафдорлари чиндан ҳам кўплиги, бироқ илгари биз омма орасига чуқурроқ кириб, мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаганимиз маълум бўлди. Бошқача айтганда, устувор вазифалар моҳияти ва масъулиятлардан тўла фойдалана олмаганимиз, ҳис этолмаганимиз кўзга ташланиб қолди. Шу ўринда баъзи туман ва

Аниқ мақсадга йўналтирилган савий-ҳаракатларнинг иккинчи босқичида эса бошлангиш ташкилотлар ва партия аъзолари сонини ошириш, сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, шунингдек, ҳар



бир сайлов участкасида камидан битта БПТ фаолият юритишига эришиш, бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш бўйича фаол иш олиб борилди ва айни кунларда ҳам ушбу жараён изчил давом этаётди.

Мазкур чора-тадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги, вазифаларнинг нечоғли тўғри белгиланганлиги ўтган 6 ой мобайнида БПТлар сони 1343 тага, партия аъзолари сони эса 52439 нафарга ортганида яққол кўринмоқда. Бошлангиш ташкилотларнинг аксарияти тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ҳамда йирик корхоналарда ташкил қилинганлиги муваффақиятлар салмоғини ошираётди. Ушбу жараёнда партия таянч бўғинлари фаолларини ўқитишга жиддий эътибор қаратилиб, 2800 нафар партия аъзоси кадрлар захирасига олинди. Энди таққослаб кўрайлик: 2013 йилнинг айни даврида қуйи бўғинлар 34 тани, O'zLiDeP сафига кирганлар эса 1562 нафарни ташкил этган, захирага эса 457 киши киритилган эди.

Ушбу далил ва рақамлар таҳлилдан икки жиҳат ойдинлашади: бир томондан,

шаҳар кенгашлари, улар таркибидagi БПТларнинг юқорида тилга олинган натижаларда деярли ҳеч қандай ҳиссаси сезилмаганини таассуф билан қайд этиш керак. Айтайлик, биринчи ярим йилликда Улугнор, Бўз туманларининг ҳар бирида атиги 1 тадан қуйи бўғин тузилиб, бир неча янги аъзо партия сафига қабул қилинган бўлса, Сардоба, Қамаш, Деҳқонобод, Хива, Янгибозор, Жомбой, Бувайда, Ёзёвон туманлари хатто ана шундай кўрсаткичга ҳам эриша олмадилар. Вилоят кенгашлари бундан тегишли хулосалар чиқариб, мазкур ҳудудларда асосий фаолиятни жонлантириш учун зарур чораларни кўриши талаб этиляпти, албатта.

Гап нуқсон-камчиликлар ҳусусида борар экан, яна бир неча масалага тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Эътироф этиш керакки, БПТлар йиғилишларида қуйи бўғин тузилган ташкилот ва корхонага тааллуқли, шунингдек, жойларда ечимини кутаётган ижтимоий-иқтисодий муаммолар муҳокама этилмоқда, ҳар бир қарор баҳс-мунозаралар билан қабул қилинмоқда. Бу — яхши, албатта. Лекин айрим қуйи тузилма-

лар зиммаларидаги вазифаларни теран идрок этмай, ички масалаларга ўралашиб қолаётгани ҳам бор гап. Ваҳоланки, БПТлар кенг маънода мунозаралар майдонига айланмоғи лозим.

Шунингдек, электоратимиз вакиллари айрим оммавий-сиёсий тадбирлар соф партиёвий характерга эга бўлиб, кўплаб учрашувларда бир тараф гапирувчи, бошқа тараф эса эшитувчига айланиб қолаётганига оид эътирозларни билдириятиларки, бу фаолиятимизни қайта кўриб чиқишга, мукаммаллаштиришга ундаяпти. Шунингдек, айрим етакчиларимизда партия фаолият учун зарур бўлган ҳислатлар — журъат ва ташаббускорлик етишмаяпти. Бу ҳақда Сийёсий Кенгашнинг VII йиғилишида конструктив танқидий фикрлар айтилгани бежиз эмас. Энг муҳими, ушбу мажлисдан сўнг тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Таъкидланган муайян камчилик-нуқсонларга қарамай, яхлит тарзда олиб қарайдиган бўлса, БПТларнинг нафақат сон, балки сифат жиҳатдан ҳам ўсётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, уларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишда бошлангиш механизм сифатидаги роли тобора кучайиб бораётди. Мисол учун, партия таянч тузилмалари аъзолари ташаббуси билан ўтган йили маҳаллий бошқарув ва бошқа ташкилотлар фаолиятига оид

сўровининг 706 таси, 223 нафар мансабдор шахс ҳисоботининг 72 таси ҳамда 108 марта ўтказилган назорат-таҳлил текширувнинг 37 фоизи бевосита бошлангиш бўғинлар томонидан кўтарилган масалаларга оиддир. Бу эса 2013

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ушбу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратилиб, аниқ режалар белгиланди. Электоратимиз ижтимоий таркиби ва унинг хоҳиш-истакларини ўрганиш, маҳаллий кенгашлар



йилнинг айни даврига нисбатан қарийб 1,4 баробар зиёд. Ушбу рақамлар партия ўз электорати манфаатларини нафақат парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакилик органлари воситасида, балки амалий жиҳатдан, фаолларнинг тўғридан-тўғри ёрдами билан ҳимоя қилишга қодир эканидан далолат. Қолаверса, қуйи ташкилотларга келиб тушган ҳар бир мурожаат айни масала бўйича мавжуд ахволнинг муфассал ўрганиб чиқилишига асос бўлаётди. Айниқса, Бухоро, Чиноз, Наманган, Бағдод ту-

билан алоқаларни мустаҳкамлаш шулар жумласидандир. Мазкур жараёнда 1066 нафар БПТ раиси ўрнига иқтидорли, ташаббускор етакчилар сайлангани заммида ҳам сайловларга муносиб ҳисоб кўриш мақсади мужассам.

Сир эмас, сайловлардаги натижалар кўп жиҳатдан сайлов округлари ва участкаларида БПТларнинг нечоғли фаолиятига, хусусан, ваколатлари доирасида бу жараённи қай даражада мувофиқлаштири олишига боғлиқ. Бинобарин, партия ҳудудий кенгашлари томонидан муҳим сиёсий имтиҳон арафасида бошлангиш ташкилотлар зиммасига катта масъулият юкланишини инобатга олган ҳолда, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда сайловларга жиддий ҳозирлик кўриш ва қуйи бўғинлар санохиятидан унумли фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар ўтказилди. Бундай ўқув машғулотлари етакчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиясини янада оширишда алоҳида ўрин тутаётганлигини қайд этиш керак.

Шунинг баробарида масъулиятли паллада қуйи тузилмаларни ёш, ишчан ва истеъдодли аъзолар билан мустаҳкамлаш ҳам назардан четда қолмаётди. Ҳозир бу борадаги ишлар қизгин тус олган. БПТлар аъзолари орасидан ташаббускор, иқтидорли кишилар танланиб, уларга кузатувчилик ҳамда ваколатли вакил вазифаси топширилиши эса талабчанлик янада кучайтирилишидан далолат беради. Бу эса барчамиздан фаоллик ва яна бир қарра фаолликни тақозо этаётди.



158, амалдаги йилда эса 70 маротабадан зиёд ҳисоботлар тингланди.

«БПТ — партия юқори ташкилоти — депутат» механизми ҳам партиямизга ишонч янада мустаҳкамлашида ўзига оҳамият касб этаётди. Жорий йилда O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддиларига юборилган 1200 та депутатлик

манларида партия нуфузи юксалишига хизмат қилувчи тадбирлар яхши йўлга қўйилган. Аммо Бекобод шаҳри, Ўзбекистон, Пайарик, Норин, Ховос туманларида партия тузилмаларининг бу борадаги ишлари қонқарли баҳо бериб бўлмайди.

Маълумки, сайловолди тарафбат ишлари таъсирчанлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан БПТларга боғлиқ.

Рақамлар тили билан

2013 йил ҳамда жорий йилнинг биринчи ярмида O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, ҳудудий ва туман (шаҳар) партия ташкилотларига хусусий сектор вакиллари томонидан 441 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг барчаси атрофлича ўрганиб чиқилиб, қарийб 39 фоизи амалдаги тартиб-қоидаларга биноан ижобий ҳал қилинди. Қолган ариза ва шикоятлар бўйича тегишли хулоса ва таклифлар тайёрланди, айримлари юзасидан батафсил ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

ҲИҚМАТ ИБРАҲИМОВА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Одамларнинг ўзлари қандай бўлсалар, ёзган китоблари ҳам шунга монанд бўлади».

ЛИХТЕНБЕРГ.

Эғалик туйғуси янада мустаҳкамланаяпти

Косон туманидаги «Наврўз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлангиш партия ташкилоти йиғилишида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш истиқболларига оид вазифалар муҳокама қилинди

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Азиз Пирназаров, Косон туман кенгаши раиси Қудрат Йўлдошев, «Наврўз» бирлашмаси БПТ раиси Ҳайдар Фаниев, қишлоқ мулкдорлари ва уларга хизмат кўрсатувчи тузилмалар вакиллари қатнашган тадбирда қишлоқда замонавий инфратузилма шакллантириш бўлими, ерларнинг узоқ муддатга ижара мулки қилиб берилиши, аграр тармоқда бозор муносабатларининг жо-

рий қилиниши фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг энг муҳим омил бўлиши баробарида мулкка ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ҳақиқий эғалик туйғусини мустаҳкамлаётганлиги тўғрисида сўз юритилди.

Шунингдек, бугунги фермер нафақат деҳқончилик маданиятини пухта билиши, балки қишлоқ хўжалиги борасидаги илм-фан ютуқларидан бохабар бўлиши, замонавий ишлаб чиқарувчига айланishi берилиши, аграр тармоқда бозор муносабатларининг интенсификацияси ва узоқмуддатли

мевали боғлар яратиш эвазига янада ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ва сифатини яхшилаш, сувни тежайдиган технологияларни татбиқ этишга жиддий эътибор қаратиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбир сўнгидa фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилиб, тегишли қарор қабул қилинди. **С.ИКРОМОВ.**



«O'zLiDeP» ғоялари орзу-интилишларимизга ҳамоҳанг»

Меҳнатсеварлик ва қатъият, уздабуронлик ва шижоат... Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Тикув Зиё Файз» ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбари сифатида фаолият юритаётган Гулбахор Қосимова тадбиркор учун зарур бўлган ана шу сингари фаолиятлар мужассам. Саккиз йилдан буюн фаолият кўрсатаётган корхонада буттур 260 млн. сўмлик, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 202 млн. сўмга тенг тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилганининг ўзича мазкур таъриф-таъсиф бежиз эмаслигини далиллат.

Таъкидлаш жоизки, ишбилармон юрдошимиз «Тадбиркор аёл — 2013» кўрик-танловига қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган. Шунингдек, у турли кўрсаткичлар ва корпоратив ярмаркаларнинг фаол иштирокчисидир.

Корхонада ташкил этилган қуйи бўғин етакчиси Г.Қосимова партия дастурий мақсадларига вобаста иш юритиб, ёш тадбиркорларни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда.

«O'zLiDeP» ғоялари биз — тадбиркорларнинг орзу-интилишларимиз билан уйғундир. Яъни, ушбу сиёсий куч ўз бизнесини ташкил қилиш эвазига шахсий, оилавий фаровонликка ҳамда умуман жамият фаровонлигига интиладиган кўплаб фуқароларни бирлаштириб турибди. Биз эзу, хайрли ишларимиз билан партия мавқеи бундан-да мустаҳкамлашишига муносиб ҳисса қўшмоғимиз керак», дейди тадбиркор аёл.

Лицейда очик мулоқот

«Партия фаоллари билан ёшлар учрашуви» мавзусидаги туркум тадбирлар доирасида Бухоро давлат университети қошидаги 4-академик лицей битирувчилари иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди. O'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши раиси ўринбосари С.Ҳамроев, БПТлар билан ишлаш бўйича консултант Н.Раҳматов ҳамда фаол қуйи бўғин етакчилари йиғилганлар ҳузурда сўзга чиқиб, партия сиёсий майдонга кириб келганидан буюн жамиятимизнинг фаол қатлами бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоялашга алоҳида аҳамият қаратаётганлигини таъкидладилар. Шунингдек, битирувчиларга партиянинг Ҳаракат дастури ва устави тўғрисида атрофлича маълумот берилиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Учрашув нҳоясида O'zLiDeP сафига қабул қилинган 30 нафар йигит-қизга аъзолик гувоҳномалари топширилди. **Б.ИСРОИЛОВ.**

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЭО, бизнес-план) осуществляется на конкурсной основе.

Конкурс проводится по следующим направлениям: создание новых производств, модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности.

К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения, а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др.

Участвовать в конкурсе могут юридические лица, предоставившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации.

По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказывается содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования.

Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы: Заявка (по форме); Инвестиционное предложение (по форме); Паспорт инвестиционного предложения (по форме). Документы также принимаются в электронном виде.

Для подробной информации обращаться: Тел: (+99871) 238-69-07, 238-69-08; Web-site: www.fpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com

Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу: г.Ташкент 100027, Шайхантахурский район, ул.А.Ходжаева, 1.

Жараён

Qishloq Qurilish Bank

Ишончли молиявий ҳамкор

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги, айниқса, хусусий секторда қўлга киритилаётган салмоқли натижаларни молия муассасаларининг фаол иштирокисиз тасаввур этиш мушкул

Зеро, улар томонидан мижозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш учун қўлай шароитлар яратиб берилляпти. Шундан келиб чиқиб, «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик-тижорат банкининг Хоразм вилоят минтақавий филиали ҳам мижозларнинг ишончли ҳамкорига айланмоқда.

Банк филиали томонидан ажратилаётган кредитлар, энг аввало, миллий иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларига 4991,3 млн. сўмлик маблағ ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Шундан саноат соҳасига 415,0 млн., қишлоқ хўжалигига 566,0 млн., савдо тармоғига 1305,3 млн., хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 1600,0 млн. сўм, ёш оила-ларга гамхўрликни кучайтириш, уларни тулаймиш ва шинам уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида эса 384,4 млн. сўм миқдорда ипотека кредитлари йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, «Қишлоқ қурилиш банк» Хоразм минтақавий филиали томонидан рақобатбардор, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда турлари кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технология жihatдан қайта жиҳозлаш учун жорий йилнинг ўтган даврида ажратилган кредитлар ҳажми 670,0 млн. сўмни ташкил этди.

Богот туманидаги «Ямвут

ниҳол» хусусий корхонаси ҳам банкнинг молиявий кўмаги орқали тозаловчи воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

— Бугун тадбиркорлик билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Фақат хоҳиш бўлса бас, — дейди корхона раҳбари Улуғбек Қўшназаров. — Бизнес-режамизни «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Хоразм минтақавий филиалига тақдим этгандик. Лойиҳа маъқулланди ва қисқа фурсатда 350 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Мазкур сармоя ҳисобига кунига 2,5 тонна совун тайёрланадиган замонавий ускуна ўрнатилиши натижасида қишлоғимиз ёшларининг 8 нафари доимий иш билан таъминланди. Уларнинг 2 нафари коллеж битирувчиларидир. Бундан ташқари, аҳоли орасида маҳсулотимизга бўлган талабни ўрганиб, ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтириш ҳамда жунни қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишни кўзлаган эдик. Яхши ният — ярим давлат деганларидек, жорий йилда банкдан 250,0 млн. сўм миқдорда кредит олиб, бу ишни ҳам самарали йўлга қўйдик.

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Ана шулардан яна бири Урганч шаҳрида ташкил этилган «Саид Исо» хусусий корхонасидир. Айни пайтда корхона банкининг молиявий мадади туфайли ўз фаолиятини йўлга қўйиб, аҳолига сифатли мебеллар ҳамда замонавий эшикларни тақдим этмоқда. Корхона раҳбари Бахтиёр Коптлеуовнинг таъкидлашича, 120 млн. сўмлик кредит эвазига хорижийликдан қилинмайдиган сўнгги урфдаги мебель ва замонавий эшиклар ишлаб чиқаришмоқда.

Кези келганда банк жамоаси барча соҳалар қатори тадбиркор аёлларни моддий ва



маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлаётганини айтиб ўтиш керак. Зеро, мижозлар орасида уларнинг сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони талаблари асосида банк филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ишбилармон аёлларга 524,0 млн. сўмлик кредит ажратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг айнаи даврига нисбатан 1,8 баробар ёки 235,8 млн. сўмга кўпдир.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларнинг қамол топишига амалий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш масаласига «Қишлоқ қурилиш банк» Хоразм вилоя-

ти минтақавий филиали томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўз бизнесини йўлга қўйиши ҳамда истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш учун 120,0 млн. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 баробар ёки 100,0 млн. сўмга ортди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун «Қишлоқ қурилиш банк» Хоразм вилояти минтақавий филиали тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланган. Зотан, барқарор молиявий кўмак ишбилармонлар сафининг кенгайиши, юртимизда ободлик ва фаровонлик ҳукм суришининг мумин омилдир. **Банк маълумотлари асосида Акбар МУЗЎФФАРОВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Жамғарманинг дадил қадамлари

ТИФ Миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўлаб-қувватлаш жамғармаси томонидан юртимиз ишлаб чиқарувчиларига ўз маҳсулотларини хориж бозорларида сотишга кўмаклашиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда

Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Навоий вилояти мисолида ўрганганимизда қисқа вақт давомида жамғарма саъй-ҳаракати билан ушбу ҳудудда маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни чет эллик харидорларга етказиб бераётган тадбиркорлик субъектлари сафи кенгайганига гувоҳ бўлдик. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жамғарма мутахассислари томонидан саноат соҳасида фаолият юритаётган 561 та хусусий тадбиркорлик субъектининг моддий-техник базаси ва ишлаб чиқариш имкониятлари таҳлил қилинди. Эътиборлиси, уларнинг 20 таи жамғарма кўмагида хорижий харидорлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, 38 миллион 894,30 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилишга эришган.

Ана шундай корхоналардан бири 2010 йилда ташкил этилган «Navoi Esperanto» масулияти чекланган жамияти илгари ишлаб чиқарган маҳсулотларини фақат ички бозорда сотган бўлса, жамғарма филиалининг кўмаги билан ҳаҳон бозорига чиқа бошлади.

— Корхонамиз цехларига ўрнатилган иккита печь бир кеча-кундузда жами 195 тонна оҳак ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди МЧЖ раиси Эркин Қаҳҳоров. — Аммо тайёр маҳсулотга харидор топиш билан боғлиқ муаммолар

борлиги туфайли уларни тўлиқ қувват билан ишлашга олмади. Яқинда жамғармадан хом ашё харид қилиш ва ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш учун 90 миллион сўм миқдорда фоизсиз маблағ олди. Бундан ташқари, жамғарма мутахассислари кўмагида қозғистонлик харидорлар билан 1400 тонна оҳак етказиб бериш бўйича умумий қиймати 255 минг долларга тенг иккита шартнома имзолашга эришдик. Қирғизистонлик ишбилармонлар билан ҳам музокаралар олиб борилляпти. Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида эса оҳак кукуни ишлаб чиқариш цехини очиб, ички бўлиб турибмиз. Ундан сўнг керамзит цехини фойдаланишга топширишга киришамиз. Режага кўра, шу тариқа йил охирига корхонамизда 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Умуман олганда, жамғармага мурожаат қилган корхоналарнинг кейинги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, улар ахборот-консалтинг хизматидан фойдаланган ҳолда чет эллардаги кўргазмаларда иштирок этиб, ишончли ҳамкор топаётганини билдик. Хусусан, вилоят филиали директори Илхом Темуровнинг таъкидлашича, хорижий харидорлар билан имзоланган шартномаларга кўра, Кармана туманидаги «Karmana Gips Mahsulotlari» корхонаси жамоаси айна кунгача 603,30 минг, Навоий шаҳридаги «Tiumf Gornyak» МЧЖ 340,13 минг, «Navoi Textil Group» МЧЖ 734,30 минг, «Бахт текстиль» қўшма корхонаси МЧЖ 5 миллион 215,01 минг, «Navoi Milling» корхонаси 792 минг,

Нурота туманидаги «Mel mahsulotlari» МЧЖ 10 минг ҳамда «Navoi evro-ruberoid» МЧЖ эса 50,96 минг доллар миқдордаги қурилиш моллари, тола, калава ип, фосфорит уни ва бошқа турдаги маҳсулотларни экспорт қилган.

— Хатирчи туманидаги «Қорақиймиш Тасмачи» МЧЖ жамоаси жамғарма ёрдамида Хиндистоннинг «Golden stream impex PVT. Ltd» хусусий корхонаси билан 300 тонна майиз етказиб бериш бўйича умумий қиймати 390 минг долларлик иккита шартнома имзолагани қувонарли ҳол, — деди И.Темуров. — Куни кеча эса 20 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Bentonite», шунингдек, катта табиий хом ашё захирасига эга бўлган «Азкамар» масулияти чекланган жамиятлари озиқ-овқат, парфюмерия, тиббиёт, резинотехника, мойбўёк, тўқимачилик, қозғос саноати ҳамда парранда озуқасига қўшимча сифатида ишлатиладиган бентонит глинини сотиш, ўз навбатида Команимех туманидаги «Кизилкум Сафар» ҳамда «Спутник Навои» сайёҳлик ташкилотлари туризмни ривожлантириш мақсадида харидор ва хорижий ҳамкор ташкилот топишга кўмаклашиш учун бизга мурожаат қилганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Оқоридагилардан ҳам кўришиб турибдики, жамғарма фаолият кўрсата бошлаганидан буён ўтган қисқа фурсат орасида вилоятда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорига айланиб улгурди.

ЭЪЛОН

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

Бухоро вилоят филиали барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жондор тумани ҳокимининг 2014 йил 29 апрелдаги 366, 367-сонли ҳамда 2014 йил 29 майдаги 431,432,434-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Мини-футбол майдончаси ва ёпиқ спорт зал биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор тумани, Пўлоти ҚФЙ, Работийўлган аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 1500,0 кв. метрли 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 620 010 сўм.
2. Мини-футбол майдончаси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор тумани, Охшиқ ҚФЙ, Охшиқ аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 3000,0 кв. метрли 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1240 020 сўм.
3. Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор тумани, Далмун ҚФЙ, Жамият аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 300,0 кв. метрли 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 124 002 сўм.
4. Автобекат ва маъиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор тумани, Пўлоти ҚФЙ, Янгиобод аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 80,0 кв. метрли 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 33067,20 сўм.

5. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Адели ҚФЙ, Адели аҳоли пункти ҳудудида:
 - 5.1 Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари омбори қуриш учун ажратилган, 225,0 кв. метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 93 001,50 сўм.
 - 5.2 Автомобилларни жорий таъмирлаш устакона биноси қуриш учун ажратилган, 135,0 кв. метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 55 800,90 сўм.
 - 5.3 Пайвандлаш цехи қуриш учун ажратилган, 135,0 кв. метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 55 800,90 сўм.
 - 5.4 Камера ямаш цехи қуриш учун ажратилган, 135,0 кв. метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 55 800,90 сўм.
 - 5.5 Автомобилларни ювиш цехи қуриш учун ажратилган, 135,0 кв. метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 55 800,90 сўм.
 - 5.6 Дурвадорлик устаконаси қуриш учун ажратилган, 150,0 кв. метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 62 001,0 сўм.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳажми Жондор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси ташабборларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Тел: (+99893) 960-69-00, Факс: (+99865) 221 54 43, www.bgrt.uz. Лицензия RL 0171.

Интилганга толе ёр

Юртимизда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустақамлаш, уларнинг ижтимоий фаолиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси Улароқ, O'zLiDeP электорати саналадиган тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётипти.

Юқоричириқлик Гулнораҳон Фаниева ана шулардан биридир. Унинг ташаббуси билан «Янги обод» шўббекатидаги қаровсиз бино қўрқам масканга айланган. Айни кунда бу ерда қўлаб ёшлар ҳаёт қилиб, туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатишмоқда.

— «Севинч шарқ либоси» ўқув марказимизнинг ипга тушганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, 80 нафар ёшлар тикувчилик, қандалатчилик, сартарошлик сирларини пухта эгаллашга улгурди. Чунки уларни лаёқати ва қизиқишига қараб, қатъий талаб асосида танланганимиз, — дейди тадбиркор Г.Фаниева. — Ҳозир 1997 йилдан буён тикувчилик билан шуғулланаман. Мустақил корхона очиб эгурувчим эди. 2011 йилда O'zLiDeP томонидан туманимизда ўтказилган ўқув-семинарларда фаол иштирок этиб, бизнес-режа тузиш жараёни ва тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганганим.

Айниқса, банк ва солиқ ходимларининг йўл-йўриқлик, жуъди маслаҳатлари катта даража бўлди. Шу тариқа «Севинч шарқ либоси» хусусий фирмасини ташкил этганман. Интилганга толе ёр, дейди доно халқимиз. Яхши ният билан иш бошлаган Гулнораҳон опанинг изланишлари бутун ўз самарасини бермоқда. U'zLiDeP электорати сафида эканлигиндан фойдаланиб, Зеро, хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, шу орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, оилалар фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш, аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, сиёсий билимларини ошириш, жамиятда етакчи аёллар захирасини шакллантириш партияимизнинг дастурий мақсадларидан биридир. **Наргиза ҚАҲҲОРОВА.**

АКС-САДО

«Ишларим юришиб кетганидан хурсандман»

Ўзим новвойлар сулоласиданман. Салкам 40 йил давомида мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериб, 2010 йили пенсияга чиқдим. Бундан 15 йил олдин турмуш ўртомим аптоҳлоқат туфайли оламдан ўтган, икки қиз, бир ўғилни ёлғиз оёққа қўйдим. Катта кизим олий маълумотли шифокор. Ўғлим Навоий шаҳридаги компьютер технологиялари коллежини, кичик қизим эса 2-сонли академик лицейни тугатишти.

Фарзандларимнинг келажагини ўйлаб, ота-онамдан мерос касбдан унумли фойдаланган ҳолда, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилдим. Бироқ ана шу ишни бошлаш учун маблағ топишда қийинчиликларга уч келдим. Аникрофи, кредит олиш учун гаровга қўйилмаган мулкким йўқлиги боис мурожаат қилган барча банклардан рад жавобини олавердим. Мақсадимдан деярли умидимни узганимда «XXI asr» газетаси тахририяти томонидан «Очққ мулоқот» уюштирилётгани, унда Марказий банк вакиллари иштирок этаётганини эшитиб қолдим.

Очғи, газета тахририятига кўнроқ қилганимда масала ҳал бўлишини халғимга келтирмаган эдим. Мулоқотда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти бошлиғи Азамат Қосимовнинг тавсияларидан сўнг ишим юришга бошлади. Эътиборлиси, муаммоним ҳал этилишини вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг ўзи назоратга олди. Барака топишин, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, «Микрокредитбанк» вилоят филиали мутасаддилари барча ҳужжатларни тўғрилади, бир ой ичида 4,8 миллион сўмлик имтиёзли кредитни расмийлаштириб беришди. Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси мутасаддилари эса қандалат маҳсулотлари тайёрлаш ускуналарини харид қилишда кўмак берадиган бўлишди. Насиб қилса, мавжуд бинони таъмирдан чиқарганимиздан сўнг, сотиб олинган тандир ва ускуналарни ўрнатасак, «Элиф нур» номли оилавий корхонамиздан новвойхона, кондитер цехи ва ўзгаллик салони иш бошлайди. Уч нафар йигит-қиз учун янги иш ўрни ҳам яратилади.

Фурсатдан фойдаланиб, энг аввало, юртимизда тинчлик ва оёсийишталликни сақлаб турган, дастурхонларимиз тўқин, турмушимиз фаровон бўлиши, фарзандларимиз биздан кўра бахтли яшашлари, ишбилармон ва тадбиркорлар кўпайиши учун кенг йўл очиб бераётган муҳтарам Президентимиз Исрол Каримовга вилоятимиздаги барча аёллар, оналар номидан чексиз миннатдорчилик билдираман.

Каромат РАЖАБОВА, Халқ таълими аълочиси.

РЕКЛАМА

Ведущий производитель кровельных и гидроизоляционных материалов третьего поколения

www.saxiyhamkor.uz

КРЫШИ ФУНДАМЕНТА БЕТОННЫХ ШВОВ

ГИДРОИЗОЛ НЕ ПОДВЕРЖЕН БИОЛОГИЧЕСКОМУ И ХИМИЧЕСКОМУ РАЗЛОЖЕНИЮ, ГНИЕНИЮ И КОРРОЗИИ

Тел.: + (998 93) 592-78-15
+ (998 98) 128-09-01
+ (998 71) 248-05-41

E-mail: info@saxiyhamkor.uz

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамия

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини
асрлардан бери саховат,
инсонпарварлик,
меҳр-шафқат,
қаноат ва шукроналик
тимсолига айланган
муборак Рамазон ойи
билан самимий қутлайди.
Ушбу муқаддас ойда
сизларга юксак
маънавий ва диний поклик,
эзгу амаллар ёр
бўлишини истаб,
хонадонларингизга қут-барака,
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.



Сўнги саҳифа

Олмонларга — олтин,
Кумуш диёрга — кумуш

Футбол бўйича XX жаҳон чемпионатининг финал учрашувида аргентиналикларни мағлуб этган Германия термаси океан ортида ўтказилган мундиалларда бош совринни қўлга киритган биринчи Европа жамоасига айланди. Зеро, бунгача мазкур қитъада ташкил этилган етти чемпионатда олтин медалларга фақат Жанубий Америка вакиллари эгаллик қилиб келишаётган эди

Шухрат ХҲҲАЕВ,
«XXI asr»

Очиғи, яна бир қатор кўрсаткичлар бўйича рекордларни янгилаган Германия терма жамоаси ҳамда Кумуш диёр, яъни Аргентина футболчилари иштирокидаги финал учрашувининг тақдирини ушбу ўйинда захирадан майдонга тушган 22 ёшли Марио Гётце томонидан киритилган ягона гол ҳал қилди.

Ўз навбатида тўртинчи бор жаҳонда тенгсиз деб топилган «бундестим» Бразилияда ўтказилган мусобақада яхлит бир жамоа сифатида мутахассислар эътирофига сазовор бўлганини таъкидлаш жоиз.

— Дарҳақиқат, бош тренер Йоахим Лёв барча йўналишлар бўйича тўғри иш олиб борди. Унинг шогирдлари эса мусобақа давомида чемпионларга хос ўйин кўрсатишди, — дейди немис футбол афсонаси, 1974 йили Германия терма жамоаси сафида чемпион бўлган Франц Беккенбауэр. — И-



гитлар улкан муваффақиятга бир тану бир жон бўлиб тўп сурганлари тўғрисида эришдилар, десак адашмаймиз. Бинобарин, Германиянинг Месси ёки Роналду каби алоҳида аж- ралиб турадиган «суперюлдузи» йўқ эди. Жамоанинг ўзи юлдуз вази- сини адо этди. Дарвоқе, яна Месси ҳақида. Финал арафасида жаҳон чемпионати олтин медаллари учун «Барселона» сафида қўлга киритган барча совринларини беришга тайёр бўлган Лионель «Бразилия-2014» мусобақасининг энг яхши ўйинчиси деб топилди.

ХИҚМАТ ЎЗЛАГАНГА ХИҚМАТДОР ДЭНЕ!

«Денгиз жангида кемаларсиз галаба қилиб бўлмаганидек, гоёлар жангида ҳам китобсиз енгиб бўлмайди».

Франклин РУЗВЕЛЬТ.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«Асака» банк (ОАЖ)

миллий ва хорижий валюталарда қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

«ТАБТИЛ 2014»

Омонат учун ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар (газ, электр энергия, пессиж ва совуқ сув, иситиш, истеъмолад ва шпотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юрталарида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

Шу билан бирга «Асака» банк (ОАЖ) қўлай шартларда миллий ва хорижий валюталарда 90 дан ортиқ турдаги омонатларни таклиф этади.

Мазкур омонат турларини банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Авторанспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент тимсоҳлари

Тошкент ҳайвонот боғи ходимлари Исроилнинг Хамат Галер тимсоҳ хонасидан келтирилган судралиб юрвчи жониворлар қисқа вақт ичида янги муҳитга мослашиб олганини маълум қилмоқдалар. — Июнь ойида келтирилган иккита уч ёшли Нил тимсоҳининг ўлчами ҳозирча 1,2 метрни ташкил этса-да, ҳадемай уларнинг узунлиги 4-4,5 метрга етади, — дейди Тошкент ҳайвонот боғи бўлим бошлиғи Феруза Мирсалихова. — Эътиборлиси, тимсоҳлар ҳар кун озиқланмайди: уларга ҳафта давомида икки марта студик беришнинг ўзи kifой. Дарвоқе, Тошкент ҳайвонот боғи ҳақидаги энг сўнги янгиликлардан воқиф бўлишни хоҳлаганлар буни ташкилотнинг яқинда ишга туширилган tashkentzoo.uz сайти орқали билиб олишлари мумкинлигини айтиб ўтиш лозим.

23 ёшгача она бўлмаган аёллар...

«Единая Россия» партияси депутати Виталий Милонов томонидан муҳокама учун тақдим этилган янги қонун лойиҳаси, аниқроғи, амалдаги қонунга киритилиши кутилаётган ўзгаришлар аҳоли ўртасида кескин норозиликни келтириб чиқариши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Гап шундаки, агар мазкур қонун лойиҳаси кучга кирса, 23 ёшга тўлгунга қадар фарзанд кўрмаган россиялик аёллар ҳарбий хизматга тақдирланади.

— Аёл биринчи навбатда она сифатида шарафланиди, — дейди депутат. — Аммо мазкур бахтга мушарраф бўлишдан қочган, яъни ана шу имкониятдан атайин фойдаланмаётган аёллар нега ҳарбий хизматга тақдирлангани керак экан? Тўғри, уларни пиёда аскарлар бўлишлари жўнаиб, бирон наф кўриш қийин. Бироқ ўқини, муҳандислик ва авиация қўшинларида хотин-қизларга жой топилади.

РЕКЛАМА

«ФАРОВОНЛИК»
ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ2014 йил 20-21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
Тошкент шаҳрида

Ўтказилмайдиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.



ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

ПОТЕРЕЯ БИПЕТИНИНГ НАРХИ — 5000 СЎМ

(+99871) 273-03-04

потерея бипетларини нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли

WWW.AGROBANK.UZ

билан банкнинг барча филиаллардан

сотиб олишингиз мумкин.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77 Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-80 Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48
Андижон вилояти (8-374) 228-46-20 Наманган вилояти (8-369) 223-19-32 Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53 Навоий вилояти (8-436) 770-35-49 Фарғона вилояти (8-373) 224-08-41
Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33 Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73 Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жиҳозларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар 1 банк иш кунинда, 100 000 дан юқори бўлган ютуқлар (билетларнинг экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб) 1 ой ичда берилади. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб 100 кун давомида қабул қилинади ва ушбу муддат ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Балогат ёшига етмаганлар лотереяда иштирок этиши тақиқланади.

Хизматлар лицензияланган

ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.